



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 12 март, № 50 (5217)

Шанба

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДА ВАКОЛАТЛАРИНИНГ МУТАНОСИБ ТАҚСИМЛАНИШИ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

2011 йил 4 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонунни қабул қилди.

Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг урта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижти-

тининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бош вазир Вазирилар Маҳкамасига раҳбарлик қилиб, Ҳукумат фаолиятининг самардорлиги ошириб бормоқда. Бош вазир мустақил равишда қарорлар қабул қилиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминламоқда.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

моий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизацция қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган.

Қабул қилинган қонун мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади — давлат ҳокимияти тизимининг барча тармоқлари фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Давлатнинг раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, мустақил давлатимизни демократик ривожлантиришда, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга моликдир.

Ушбу ислохотни ўтказиш учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароит, пухта замин яратиш бўлиб, унга, хусусан, куйидаги омиллар хизмат қилди: **Биринчидан**, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлари ўз фаолиятини масъулият ҳамда жавобгарликни ҳис қилган ҳолда амалга оширмоқда.

Хусусан, мамлакат парламентининг ваколатлари кучайиб, ижро ҳокимияти устидан парламент назора-

ти қилинган, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий база ҳамда шарт-шароитлар туфайли сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, масъулияти кучайиб, сиёсий партияларнинг нафақат қонун чиқарувчи, балки ижро этувчи ҳокимиятга ҳам таъсирини ортиб бормоқда.

Учинчидан, фуқароларда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаолигини ошириш, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат ноҳижорат ташкилотларининг ўрни ва роли тобора юксалиб бормоқда (уларнинг сони 5100 дан зиёд бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилдаги қараганда 2,5 баробар кўп).

Тўртинчидан, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолигини оширишда, ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ошириб бормоқда. Кейинги 10 йилнинг ўзига босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий миқдори қарийб 1200 тага етди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Япония ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий ва бошқа кўплаб соҳаларда дўстона алоқалар изчил давом эттирилмоқда. Бу мамлакатларнинг сарможий салоҳияти мазкур йўналишларда қабул қилинаётган қарор ҳамда лойиҳаларда ўзининг амалий ифодасини топаётди.

Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 29 январдаги қарори бу каби кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтарди. Чунки мазкур қарорда Япония ҳукумати томонидан тақдим этилаётган грантлардан самарали фойдаланган ҳолда, республикамиз чегара божхона постларини замонавий сканер ускуналари билан жиҳозлаш назарда тутилган эди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Япониянинг “Марубейни” компанияси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, сканер қурилмалари сотиб олинди, Сурхондарё вилоятидаги “Айритом” ҳамда Тошкент вилоятидаги “Ойбек” божхона постларига етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда Наврўз байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам арафасида пойтахтимизда кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА муҳбири улардан айримларининг юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизикди.

«ЎЗБЕКИСТОН БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

Ю МИНГ (Хитой): — Ўзбекистонга саёҳатимни Тошкент шаҳридан бошлаганимдан беҳад хурсандман. Ушбу бетакор шаҳар ўз таровати билан мени ҳаяжонга солди. Ўзбекистон мени ўзига мафтун этди. Менга тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар, гўзал майдону хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар жуда ёқди. Тарихий манбалар орқали Ўзбекистоннинг ўтмиши, маданияти, аҳолисининг турмуш тарзи, хунармандчилиги, табиати ва бошқа жиҳатлари ҳақида жуда кўп қимматли маълумотларга эга бўлдим.

Бу заминдан етишиб чиққан улғу алломалар дунё илм-фани ва тамаддунига муносиб ҳисса қўшганини яхши биламан. Яқин кунларда Ўзбекистон халқи Наврўз байрамини тантана қилади. Шунинг айтишим керакки, баҳор байрами Хитойда ҳам кенг нишонланади. 21 март куни хитойликлар ёрқин либосларга бурканишиб, гулдасталар билан бир-бирларини табриқлайдилар.

Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши, унинг кўркияга кўрк, чиройига чирой кўшилишини тилайман. Мен бу гўзал юртга яна келишни дилимга тугиб қўйдим.

Ида ҲАСЙИМ хоним (Малайзия): — Ўзбекистонга келишни неча йиллардан бери орзу қилар эдим. Уша орзуим ушлаганидан жуда хурсандман. Саёҳатимни гўзал Тошкентдан бошладим. Неча кундирки, шахрингиз чиройидан завқланиб юрибман. Темирийлар тарихи давлат музейидаги ўзбек халқининг бой тарихи билан боғлиқ ранг-баранг экспонатлар мени ҳайратга солди. Ҳамма халқлар ҳам бундай қадимий тарихга эга эмас.

Шахрингиз кўчалари бўйлаб юрарканман, куюк дарахтлар, танга хузур бағишловчи муздек шабада кайфиятимни чоғ қилди. Кўчаларингиз шундай орастакки, ҳатто ортиқча хас-чўпни ҳам учратмайсиз. Кўчаларнинг қай бирига кирмай, миллий ва замонавий архитектура ютуқлари уйғун ҳолда барпо этилган бинолар диққатини тортди. Айниқса, кўча четларидаги турли дарахтлар баҳридиллимни очиб, руҳиятимни кўтарди.

Транспорт воситалари кўп ҳаракатланадиган, ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатадиган шаҳар шароитида

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ САМАРАСИ

туфайли мамлакатимизда тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш тобора юксалиб бормоқда

Ҳар бир мамлакат иқтисодий рақобат қилишда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш катта аҳамиятга эга. Сабаби, бу сазъ-ҳаракат натижасида корхоналарнинг фаолият кўлами кенгайиб, ишлаб чиқаришда янги йўналишлар очилади, қўшимча иш ўринлари яратилади. Буларнинг бари, ўз навбатида, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида изчил олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат.

Жараён

Шу боис юртимизда ишлаб чиқариш ва тиббиёт корхоналарида модернизацция қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Пойтахтимиздаги “Magnum Medical Service” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. 2007 йилда ташкил этилган ушбу корхонада модернизацциялаш шарофати туфайли 70 номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг орасида гальванизатор, ультратовуш терапияси ва юқори частотали электржарроҳлик воситалари, негаторскоп, махсус нуралиш асбоблари, кушетка, банкетка, кара-во, стол, тиббиёт шкафи ва тумбаси, кресло, штатив, бўй ўлчагич, тиббиёт пардаси, беморлар



стули, ошхона ва хўжалик аравалари бор. Шу билан бирга, рентген, томография, МРТ, УТТ каби аппаратларни таъмирлаш

ҳамда замонавий техника хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. — Маҳсулотларимизнинг ҳаммаси жаҳон ан-

дозаларига тўлиқ жавоб беради, — дейди жамият бош директори Отабек Жиянбаев. — Улар юртимизнинг барча даво-

лаш муассасаларида кенг қўлланилиб келинаётганининг боиси шунда.

(Давоми 2-бетда).

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТЧИЛАРИ

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Республика Байналминал маданият маркази, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори миллий анъана ва қадриятларимизни янада ривожлантириш, йигит-қизлар қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, истиқлол

гояларига садоқат туйғулари мустаҳкам қарор топтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавий-маърифий соҳани замон талаблари даражасига кўтариш, ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаёт-

ида онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш ишларини давр руҳига аҳомаҳанг тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онгини турли зарарли гоё ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга нисбатан теран дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, улардан кўзланган улғу мақсадларни аҳоли, ай-

ниқса, ёш авлод онгу шуурига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам фидоий, билимдон ҳамда таъсирчан сўзи, юксак интеллектуал салоҳияти билан одамларни эргаштира оладиган изланувчан, ташаббускор тарғиботчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибасини оммалаштириш, ушбу йўналишда ўзаро фикр ва тажриба алмашишга кенг имкон яратишдан иборатдир.

қисқа сатрларда

Танлов

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

• ЯНГИЕРДаги “Yangier-Food-Salt” масъулияти чекланган жамиятида қадоқланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Банк кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли ҳозир бу ерда ойига 25 тоннага яқин ош тузи тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

• БЎЗ туманилик тадбиркор Лутфулла Турғунов қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга иختисослаштирилган янги технология линияни ишга туширди. 23 миллион сўмлик маблаг эвазига барпо этилган ушбу кичик корхонада дастлабки 20 миллион сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинди.

• ПАХТАЧИ туманида паррандачилик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган “Қосим” фермер хўжалиги фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда 10 мингга яқин товук парвариш қилинаётган мазкур хўжаликда кунига 5 минг донагача тухум етиштирилмоқда.

• БУХОРОда март ойи “Маънавият тарғибот ойлиги” деб эълон қилинди. Ушбу акция доирасида Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида тарғиботчилар, “Камолот” ЁИХ шаҳар ва туман бўлиmlари раҳбарлари ҳамда қатор тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирокида анжуман ташкил этилди. Унда миллий истиқлол гоёси тарғиботи ҳамда ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самардорлигини янада кучайтириш хусусида сўз борди.

• ҲАЗОРАСП туманидаги “Шихлар” кишлоқ врачлик пунктига вилоят ҳокимлиги томонидан “Дамас” машинаси совға қилинди. Бу эса 6 минг нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур ҚВП имкониятларини янада кенгайтирди.

• И. ИБРОҲИМОВ, А. МУҲАММАДИЕВ, Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.

Президентимиз шу йил 25 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган даврда амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб, "...биз ўзбек спортининг халқаро майдонда ҳар томонлама муносиб ўрин эгаллашига интилар эканмиз, болалар спортини, ўсмирлар спортини тизимли асосда изчил ривожлантирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмаслигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бир сўз билан айтганда, болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарур", деб таъкидладилар.

ЙИРИК ҒАЛАБАЛАР ПОЙДЕВОРИ

Дарҳақиқат, Жамғарма ташкил этилгач, юртимизнинг барча вилоятларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни бугунги кун талабига мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазифалар амалга ошириб келинмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби чора-тадбирларнинг ижобий самараларини Қашқадарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан

белгилаб берилган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросига бағишлаб вилоят ҳокимлигида ўтказилган тадбирда эришилган натижалар

Тадбир

атрофлича таҳлил қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими Н. Зайниев бошқарган йиғилишда қайд этилганидек, 2003 — 2010 йиллар мобайнида Қашқадарёда 122 та болалар спорт объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 212 минг 157 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Худудда 28 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби,

2 та футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолият юритмоқда. Эътиборли жиҳати, уларнинг 24 таси қишлоқларда жойлашган. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Косон, Шаҳрисабз, Қамати, Қарши, Чироқчи, Касби, Яқкабоғ, Китоб туманларида биттадан мактаб қошидаги спорт заллари ҳамда Қарши шаҳридаги ногиронларни реабилитация қилиш маркази тасарруфидаги сузиш ҳавзаси реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланди.

Айтиш жоизки, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бадий гимнастика марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Улар бадий гимнастика гиламлари, спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланган.

Имконият, шароит бор, ҳўш, болаларни, айниқса, қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар қай аҳволда? Йиғилишда шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Афсуски, ўтган йили айрим туманларда бу борада сузташликка йўл қўйилган. Шунингдек, спорт иншоотлари ва инвентарларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам етарли даражада назорат қилинмаган. Мазкур масалалар юзасидан айрим туманлар ҳокимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ

хабарлари

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида иктидорли ҳайкалтарош Баят Мухторовнинг «Сумбула буржи» деб номланган шахсий кўрғазмаси очилди.

«Сумбула буржи»

Ҳайкалтарош асарларида ҳаёт гўзаллиги, инсоннинг кўнгил кечинмалари камал раанглар жиҳосида акс этирилган. У нафақат ҳайкалтарош, балки нозик дидли мусаввир ҳамдир. Зеро, санъаткорнинг рангтаъсир ва графика жанрида яратган асарлари талабчан томошабиннинг эътиборини тортади. Айниқса, юртимизнинг хушманзара гўшалари тасвирланган «Чимён», «Оқтош», «Дарё ирмоғи» сингари асарлар беихтиёр сизни ана шу жаннатмонанд манзиллар сари чорлагандай бўлади.

Баят Мухторов ижодининг ўзига хос қирраларидан яна бири шуки, у барча асарларида халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат қилади. Буни ёғоч ва металлдан ясалган ҳайкалчалардаги эртак ҳамда дostonлар персонажлари, афсонавий халқ қаҳрамонлари тасвиридан ҳам билиш мумкин.

Суннат АСТАНОВ.

Лойиҳа истиқболи

Тадбиркор Шухрат Аҳмедов Қўшқўпри тумани марказида қаровсиз ётган кинотеатр биносини мукамал таъмирдан чиқариб, фойдаланишга топширди.

Шунингдек, 500 ўринли ушбу томошагоҳ Япониянинг энг сўнгги русумдаги ускуналари билан жиҳозланди. Тадбиркор мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 120 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Бундан ташқари, бу ерда 400 ўринли маросимлар зали, кичик маъбаилича ҳамда йўлаклар учун бетон қопламалар ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилди. Натияжада 37 та иш ўрни яратилди.

Эътироф этиш кераки, 2010 йилда тадбиркорларнинг бу каби ташаббусларини тўғрайли вилоятда 865 миллиард 778 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ ОММАВИЙЛАШМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпиони бўлиб ўтди.

Ўзбек жанг санъати федерацияси ҳамда Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази томонидан ёшларни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг иктидорини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақада 700 нафарга яқин спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор боис кураш, белбоғли кураш, турон яққаураши, улоқ-кўпқари каби миллий спорт турлари халқаро майдонда кенг оммалашаётганини алоҳида таъкидладилар. Бундан икки йил муқаддам улар қаторидан ўзбек жанг санъати ҳам жой олди.

Спорт

— Айни пайтда юртимизда 40 минг нафарга яқин ўғил-қиз 400 дан зиёд мураббий ва мутахассисдан ўзбек жанг санъати сирларини ўрганмоқда,— дейди

— Комплекс машқ бажаришда олтин медаль билан тақдирландим, — дейди Тошкент вилояти вакили Д. Қобулова. — Дзюдо ва каратэда ҳар бир машқ японча номда айtilса, ўзбек миллий жанг санъатида улуғ аждодларимиз номлари билан аталади. Шу сабабли бу спорт тури менга маъқул бўлди. Унда ётган рақибга зарба бериш тақиқланади. Насиб этса, халқаро турнирларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚУРМАТЛИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ!

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни юқарага бериш маркази» давлат унитар корхоналарининг 2009 — 2010 йиллардаги молнавай-ўқаллик фаолиятини аўдит қилиш, жумладан, тариф резидларининг қўлланилиши ва ҳоримларни регистратив ишлари, ҳаракатларнинг мақсадли сарфланиши, дебитор ва кредитор қардорликларининг аҳоли ва улар ижроси бўйича назоратнинг йўлга қўйилганлиги, маъмурий банк ҳисоб рақамлари ва улар бўйича маблағлар айланмасини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу масалаларда келгусида ягона тизимни жорий қилиш юзасидан аниқ тақлифлар бериш мақсадида аудиторлик ташкилотини йўлга буйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси танлов эълон қилади.

Танлов 2011 йил 23 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Тақлифлар ва арзлар 2011 йил 23 март соат 18.00 гача қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш истегини билдирган талабгорлар қўйилган маълумат мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохрўҳона, 55-ўй. Телефон: (8-371) 259-22-10. Факс: (8-371) 259-21-44.

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» БИЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БОШЛАНГАН БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИМИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОНИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоюга Ўзбекистон — Германия «Савадор» DAT банк Наманган вилояти филиали баёносидати, Наманган шаҳри, Шарофий кўчасида жойлашган, қўнмишан тўғаллан-маган савдо ва қоний ҳизмат шобачаларини ўз ичига олган кўп қаватли тузаркой биносини қўйилмоқда. Бошлангич баҳаси — 950 487 285 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 12 апрел куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоюда иштирок этиш истегини билдирган талабгорлар арзларини қабул қилиш савдо бошлангичдан бир соат олдин тўғалланади. Ушбу савдода қўнмишан истегини билдирган талабгорлар савдо гишкочиски билан тузилган савдат келишимига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлиган имкдордаги савдат пулини РОМЕ Наманган филиалининг АТМ «Милека» банкчи Наманган бўлимидаги қўйилган ҳисоб рақамига гўшалари шарт: 2021300600571452072, ИФО: 00223, СТИР: 20893850. Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-ўй, 4-қават. Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01. www.rmb.uz. Лицензия: DB 001 № 002004.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюропта Г — 303. 78776 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. БаҳоСИ келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибуят 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Ўз баланСИга олинган банкрот корхона мулкини баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш учун мустақил баҳоловчи компаниялар танловини эълон қилади. Тақлифлар эълон топ этилган санадан башлаб 7 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент ш., Шарофсобо к., 36-ўй. Телефонлар: (+99871) 150-76-94, 150-93-39.

Тахрирятта келган қўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрирят жавобгар эмас. Газета тахрирят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусаҳҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.10 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси